

Кун ҳикмати

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган айина ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмадур. Абдулла Авлоний

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил 12 октябрь сешанба № 127 (4567)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Европа тикланиш ва тараққиёт банки Барқарор Инфратузилма гуруҳи бошқарувчи директори Нандита Паршад ва Марказий Осиё бўйича бошқарувчи директор Жужанна Харгитай бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлди.



2021 йил 11-12 октябрь кунлари ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича Кенгашга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазириларининг VI учрашувида қатнашди.



Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйи очилди.

Жорий йил 1-25 ноябрь кунлари мамлакатимизнинг тегишли ҳудудларида синов тарихида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари амалга оширилди.

Қурилиш соҳасида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ўн минг нафар фуқарони Россия Федерациясига ташкилий тарзда ишга жўнатиш лойиҳаси доирасида фуқароларни мамлакатимиз ҳудудида тиббий кўридан ўтказишни ташкил этиш учун тиббий асбоб-ускуналар билан Россиянинг 40 нафар тиббиёт ходимлари Ўзбекистонга келди.



Нукус шаҳридаги «Манеж» спорт саройида MMA бўйича биринчи Марказий Осиё чемпионати ўтказилди.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Туркий Кенгаш томонидан улут тилшунос Махмуд Қошғарийнинг «Туркий сўзлар девони» («Девону луғати-т-турк») асари чоп этирилди.

Уч авлод учрашуви

Меҳр-оқибат кўприги

Қибрай тумани марказидаги «Биллур» қошонаси... Кира-веришда чиройли айвонли йўлак... Оркестр садолари янграб турибди... Бу даргоҳда уч авлод учрашуви бўляпти.

Ташриф буюрувчилар орасида турли миллат вакиллари бор. Уларнинг кўксини нишонлар, орден ва медаллар беэаб турибди. Мўсафид отахонлар, муниса онахонлар, ўрта авлод ва ёшларни кўриб, ҳавасингиз келади. Қошона ичкарасига қадам босишингиз билан муҳит яна ўзгаради. Тўкин дастурхон ёзилган. Майин янграб турган мусиқа садолари дилларга ором бағишлайди.

Замонимиз қахрамонлари бўлган уч авлод иштирокидаги байрам шундай кўтаринки руҳда бошланди. Тантанани Ўзбекистон Республи-



номи янграганда гулдурос қарсақлар чалинди.

Қайд этиш керакки, Қибрай тумани ободонлаштириш бошқармасида оддий уста бўлиб ишловчи Матёкуб Ширинов ва унинг турмуш ўртоғи поликлиника лобаранти Моҳиғул Ширинованинг катта ўғли Бекзод Болтабоев тўрт марта халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиби, таъвандо бўйича мамлакат чемпиони, «Шухрат» медали ва «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндори. Яна бир ўғли Бобир Болтабоев халқаро Менделеев олимпиадасида беш марта ғолибликни кўлга киритган. Қизи Тошкент давлат педиатрия олий ўқув юрти талабаси Моҳира Болтабоева эса Зулфия мукофотида сазовор бўлган.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев ҳамда Тошкент вилояти ҳокими Даврон Ҳидоятлов учрашув қатнашчиларидан бир гуруҳига «Мустақилликнинг 30 йиллиги» кўкрак нишонини топширди.

«Мустақилликнинг 30 йиллиги» кўкрак нишонига сазовор бўлганлар орасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов ҳам бор.

Уч авлод учрашуви иштирокчиларини Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева, Ўзбекистон халқ артисти Ғулможон Ёқубов ва бошқа санъат усталари дилрабо кўшиқлар билан хушнуд этди.

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ, «ISHONCH»



каси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев табрик сўзи билан очди.

Учрашувада ўзбек узумчилигининг дарғаси, икки марта Меҳнат Қахрамони, академик Ризамат Мусамухаммедов, Ўзбекистон Қахрамони, давлат арбоби, тиббиёт фанлари доктори Зайниддин Низомхўжаев, ўзбек ички ишлар хизмати фахрийларидан бири, милиция генерал-полковниги Зокиржон Алма-

тов ва бошқа ўнлаб юрт фидойиларининг номлари ҳурмат билан тилга олинди.

Тадбирда Янги Ўзбекистон ёшлари эришяётган муваффақиятлар ҳақида ҳам сўз борди. Хусусан, йигирма тўққиз ёшли қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби Сардор Саматов ҳамда Шириновлар оиласининг фарзандлари

Самарқанд вилояти

Ўзимизга назар

Меҳнат билан боғлиқ тасодифлар сабаб жабр кўраётганлар, афсуски, оз эмас. Аммо бахтсиз ҳодисаларни ўрганиш, ҳолатга ҳолисона баҳо беришда тузатиш киритилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Кишини ҳайрон қолдирадиган бир жиҳат бор. Негадир бахтсиз ҳодисаларни ўрганиш махсус текширувида жамоатчилик вакили бўлмиш қасаба уюшмалари четда қолмоқда.

БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН...



Тўғри, белгиланган тартиб бўйича бу вазифа Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириликнинг ҳудудий бандлик бошқармалари томонидан амалга оширилади. Аммо қорхона, ташкилот ва муассасаларда содир бўлаётган ишлаб чиқариш билан боғлиқ гуруҳий, ўлим билан тугаган, оғир оқибатли тасодифларни текшираётган махсус комиссия таркибига қасаба уюшмаларининг меҳнат техник инспекторлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари жалб этилмаслигини қандай ташуниш мумкин? Бу эса қасаба уюшмаларининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатдан ўз фурсатида хабардор бўлиши, ҳисобга олиши, ижтимоий кўмак кўрсатили-

шига тўсиқ бўлаётди. Аксари ҳолларда, жабрланган ходим ёки унинг оиласига етказилган зарар ва товон пулларини олишларда муаммолар юзага келаётди.

Айтмоқчимизки, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан қасаба уюшмалари «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг таркибига қасаба уюшмаларининг меҳнат техник инспекторлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари жалб этилмаслигини қандай ташуниш мумкин? Бу эса қасаба уюшмаларининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатдан ўз фурсатида хабардор бўлиши, ҳисобга олиши, ижтимоий кўмак кўрсатили-

Мухаммад САТТОРОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат техник инспектори

Андижон вилояти

Қасаба уюшмаси аралашгач...

Қонун барчага баробар

Халқимизда «Ҳар ким ўз кўмоғига ўзи қул тортади», деган гап бор. Бугун хусусий сектордаги аксарият қорхоналарда иш берувчиларнинг ходимларга муносабати шу нақлга монанд бўляпти. Масалан, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлашга боғлиқ муаммони олиб кўрайлик. Ҳеч кимга сир эмас, бундай вазиятларда иш берувчи тўловларни амалга оширишдан қочиши, ҳатто ходимни ишдан бўшатиш ҳаракатида бўлиши амалиётда тез-тез учраб турибди.



бурхоновага ишдан бўшатилишини айтиб, қўлга меҳнат дафтarchасини тутқазди.

Шундан сўнг ноилоҳ қолган ҳомиладор аёл ҳақиқатни тиклашда ердан сўраб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашига муро-

жаат қилди. Кенгашнинг юридик бўлими вакиллари можорони атрофликча ва холисона ўрганиб чиқиб, МЧЖ раҳбариятига тақдимнома киритди. Натижанда Г.Саидбурхонова ишига тикланди.

Масалани шу нуқтаи назардан ёндашганда, бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси қонуан тўла берилмоқда. Хусусий секторларда бу борадаги умумий аҳвол қандай экани эса юқорида баён этилган воқеадан билиниб турибди. Шундай экан, мавжуд тартиб-қоидаларга амал қилмаётган хусусий қорхоналар раҳбарларининг масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтириш, барча жамоаларда ходимларни бирдек қадрлаш чораларини кўриш керак!

Нурилло НЎЪМОНОВ, «ISHONCH»

Андижон шаҳрида масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият кўрсатяётган «Medical centr focus» хусусий клиникаси ҳамшираси Гулчеҳра Саидбурхонова худди шундай ҳолатга дуч келди. Тўғри, бу борада бош шифокор ходимга таъин қилинган вақтда мажбуран ариза ёздириб йўлидан бормади. Аксинча, яхши гапириб, «Тўғриқача ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак. Шунинг учун ишга чиқмай, дам олиб туринг», деб насиҳат қилди. Аммо орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас, унинг «меҳрибонлиги» сирини юзага қалқди. Қорхона бош ҳисобчиси Г.Саид-

Advertisement for 'Ishonch' newspaper. It features the newspaper's logo, the text 'Ishonch газетасига', and a large number '133' representing an index or subscription rate. The text also asks 'Обуна бўлишни унутмадингизми?' (Did you forget to subscribe?).

ТРАНСПОРТЧИЛАР СПАРТАКИДАСИ

«Минор» спорт мажмуасида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши «Саломатлик-2021» спартакиадасини ташкил этди.

Унда кенгаш тасарруфидаги 14 ташкилот ва муассасанинг юз нафардан ортиқ ишчи-хизматчиси ўзаро беллашди.

Шахмат (эркаклар ва аёллар) баҳсида ғолиблик Тошкент архитектура қурилиш институти ходимларига, «Ал-Помиш ва Барчиной» турининг 20 дан 40 ёшгача аёллар ўртасида кечган мусобақаларда биринчи ўрин Тошкент бош план ЛИТИ ташкилоти ходимларига насиб этди.

Шашка (аёллар), стол тенниси, «Ал-

помиш ва Барчиной» турининг (эркаклар) 40 ёшдан катталар орасида ўтган мусобақаларда «Себзор» хусусий ишлаб чиқариш қорхонаси ходимлари фахрли ўринга муносиб кўрилди.

Тошкент давлат транспорт университети «Табиий фанлар» кафедраси ассистенти Дилафруз Махмудова (хотин-қизлар бўйича) шахмат турида иккинчи, «Корпоратив бошқарув» кафедраси ассистенти Гулноза Расулова стол тенниси йўналишида биринчиликни кўлга киритди.



Яқунда Тошкент давлат транспорт университети умумжамоа бўйича энг яхши иштирок этган ташкилот деб топилди ва уларга Транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрия-

си ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг кўмаккубоғи ва ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз



Хоразм вилояти

Кексалар дуосини олиб...

Урганч шаҳридаги Ўзбекистон замонавий санъати музейида «Кексалар ҳафталиги» муносабати билан кўргазма ташкил этилди.

Воҳада яшаб ижод қилаётган кекса авлод мўйқалам соҳибларининг юрт жамоли, ҳаётнинг турли қирралари акс этган асарлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Кекса ва ёш авлод ўртасида давра суҳбатлари уюштирилди. Маданият бўлими санъаткорлари томонидан концерт дастури ҳавола қилинди.

Ҳазорасп туманидаги 13-болалар муסיқа ва санъат мактабида кечган футбол мусобақалари эса нурунийларга ёшлик завқини қайтарди.

Ҳафталик доирасида меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, улар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинди. Нурунийларимиз ёшларни дуо қилиб, юртимиз янада гуллаб-яшнашига тилакдош бўлишди.

Алишер САЛАЕВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари
касаба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган
қўмитаси раиси

Қадрият

Эҳтиром намунаси

«Кексалар ҳафталиги» муносабати билан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида нурунийлар иштирокида давра суҳбатлари, спорт мусобақалари, туристик саёҳатлар уюштирди.



алмашиб, бугунги дориломон кунларни, фаровонлик йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни эътироф этишди. Тadbир сўнггида фахрийларга касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Хусусан, кўп йиллар касаба уюшмаларида ишлаган ва айни пайтда қариллик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари учун тadbир уюштирилди. Нурунийлар тadbир давомида «Янги Ўзбекистон боғи» ва «Ғалаба боғи»га ташир буюриши. Шу кун улар учун байрам дастурхони тузалди. Меҳнат фахрийлари бир пиёла чой устида ўзаро фикр

тон боғи» ва «Ғалаба боғи»га ташир буюриши. Шу кун улар учун байрам дастурхони тузалди. Меҳнат фахрийлари бир пиёла чой устида ўзаро фикр

Хотин-қизлар муаммолари ўрганишларида асосий масала ишчилик экани маълум бўлди. Ечимларнинг бири сифатида аёлларга ҳунармандчиликни ўргатиш кун тартибига чиқди. Шу мақсадда Сурхондарё вилояти ҳунармандчилик уюшмаси билан ҳамкорликда Навоий вилояти Нурота туманида яшовчи каштачи Г.Исмолова таклиф этилди.

Дастлаб 21 нафар хотин-қиз бепул ўқитилди. Улар 2 ой давомида соҳа сирларини ўрганди. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири «Аёллар дафтари»да рўйхатда

Тошкент шаҳри

Сўзимиз аввалида бир маълумотни айтиб ўтишни жоиз билдик. Хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Аёллар дафтари» юритилиши учун Денов туманининг 2-сектори ҳудудидаги 34 та маҳалла фуқаролар йиғинида махсус ишчи гуруҳлари тузилган эди. Ўрганишларнинг биринчи босқичида 1816 нафар, иккинчи босқичида эса 1223 нафар хотин-қиз рўйхатга киритилди.

Сурхондарё вилояти

КўНГИЛГА

ИНГАН НУР

«Аёллар дафтари» сабаб ҳаёти ўзгараётганлар

турган 10-20 нафар аёлга каштачиликдан сабоқ бермоқда. Мисол учун, «Элобод» маҳалласида яшовчи Гавҳар Эшмуродова 20 нафар хотин-қизни шу касбага ўргатди. Ҳозирда уларнинг ҳар бири миллий каштачилик билан шуғулланиб, 1,5-3 миллион сўмгача даромад олишмоқда.

Фаолият давомида амалга оширилган хайрли ташаббуслардан бири тумандаги «Зархол Денов чеварлари» ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилиб, «Аёллар дафтари»га киритилган 40 нафар хотин-қизни мўжиз иш жойи билан таъминлаш бўлди. Г.Раимқулова раҳбарлик қилаётган ушбу корхонада айни вақтда «Янгиобод» маҳалласидаги кичик саноат зонасидан 10 сотих ер ажратилиб, махсус бино қурилмоқда. У фойдаланишга топширилган, яна 100 нафар аёл ишли бўлади.

Сектор ҳудудидаги 50 донатрико-таж тикув машинаси бўлган «Денов чеварлари» тикувчилик цехи ҳамда «Денов саодат текстиль» хусусий корхонаси фаолияти тўхтаб қолган эди. Ишчи гуруҳ ўрганишлари натижа-сида ушбу цех ва тикув машиналарини лизинг орқали 3 томонлама шартнома асосида «Денов саодат текстиль» хусусий корхонасига олиб берилди. Натижада 44 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Айни пайтда 1- ва 2- касб-ҳунар мактаблари ҳамда «Ишга марҳамат» моно марказида 68 нафар аёл турли ҳунарлар бўйича 3 ойлик курсларга бепул ўқитилмоқда. Шунингдек, махсус сертификатга эга бўлган 369 нафар хотин-қизни тadbиркорликка жалб қилиб, уларга 9 миллиард 150 миллион сўм

имтиёзли кредитлар олиб берилди.

Хусусан, «Буюк замин» маҳалласида яшовчи Марҳабо Боймуродова асарличилик ҳўжалигини ташкил этиб, ўзи ва оила-аъзоларини доимий иш билан таъминлади. Шу маҳаллада яшовчи Гулбаҳор Раҳимова эса томорқасида иссиқхона курди ва оила даромадини оширди.

«Аёллар дафтари» платформасига киритилган 115 нафар боқувчисини йўқотган, 137 нафар ногиронлиги бор, 31 нафар қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногирон фарзанди бўлган ёлғиз аёлларнинг ҳар бирига 980 минг сўмдан бир мартали моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 221 нафар аёлга ҳўқуқий кўмак, 161 нафар аёлга психологик маслаҳат берилди.

Ўрганишлар натижа-сида сектор ҳудудида яшовчи 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган 13 нафар аёлнинг уй-жойи таъмирга мўжозлиги аниқланди. Улар ҳомийлар кўмагида янгича кўриниш олди. Денов туманидаги Сўфи Оллоҳер номли маҳаллада яшовчи Рима Нигматуллина, «Истиқлол юлдузи» маҳалласида яшовчи Ҳалима Ашурова ҳамда «Намуна» маҳалласидаги Насиба Сангинваларнинг авария ҳолатидаги уйлари ўрнига 2 сотихли майдонга эга 2 хонали замонавий типдаги уй қуриб берилди. «Аёллар дафтари»да рўйхатда бўлган 24 нафар аёлга «Намуна» маҳалласи ҳудудидаги туман ҳокими захирасида бўлган ердан 0,70 сотих майдон ажратилиб, 2 хонали 24 та уй-жой қурилиши амалга оширилмоқда.

Мухтасар айтганда, Денов туманининг 2-секторида хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш ишлари доимий назоратда.

Алишер ТОҒАЙМУРОДОВ,
Денов тумани прокурори,
«Энг яхши сектор раҳбари»
Республика танлови ғолиби

Қашқадарё вилояти

Касаба уюшма фидойилари



Тиниб-тинчимас Тиловатов

Райҳон Нормуродова кўп йиллардан бери Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида фаррошлик қилади. Фарзанди тўйи ташвишлари билан андармон бўлиб, ширин орзуларга етишиш ҳаракатида юрганидан хабар топган институт касабақўм раиси Файзиддин Тиловатов ундан ҳол-аҳвол сўради. Опага базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдоридан моддий ёрдам ажратилди.

Таълим муассасамизда «Ижтимоий ҳимоя» комиссияси ташкил этилган, – дейди Файзиддин Тиловатов. – Касаба уюшма қўмитаси раиси мазкур комиссияга ҳам раислик қилиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга мўжоз ходимларнинг аризаларини кўриб чиқади. Уларнинг даволаниши, турли тadbирларни ўтказиши ва бошқа масалалардаги мурожаатларини қаноатлантиради. Шу тариқа ҳар ойда 50 нафардан зиёд ходимга комиссия қарори билан институт маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам ажратилмоқда.

Яна яхши аънамиз бор. Нафақа ёшига етган ходимлар йўқланиб, қимматбахо совғалар билан тақдирланади. Институтда таҳсил ола-

ётган ногирон талабалар ҳам доимий эътиборимизда. Уларга талабалар турар-жойида имтиёзлар татбиқ этилган. Талаба-етган ногирон талабалар ҳам доимий эътиборимизда. Уларга талабалар турар-жойида имтиёзлар татбиқ этилган. Талаба-

ёшларнинг мурожаатларига кўра, институт маблағларидан моддий ёрдам ажратилапти. Йилнинг учинчи чора-рагида 42 нафар ходимга санаторий йўлланмаси олиб берилди. Ходимларнинг тарихий шаҳарларга

саёҳатлари ҳам тез-тез ташкил этилаётди. Жумладан, бир қатор ходимлар Самарқанд, Хоразм вилоятлари, Шаҳрисабздаги тарихий обидаларни зиёрат қилиб келишди.

Жорий йилда Қарши ахборот технологиялари ҳамда Қарши банк коллежларининг ётоқхоналари институт балансида ўтказилди. Тиниб-тинчимас касабақўм раиси бу биноларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишларида ҳам бош-қош бўлди.

Албатта, меҳнатлар беиз кетмади. Институт бошланғич касаба уюшма ташкилоти «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичида ғолиб деб топилди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Навоий вилояти

Эзгуликнинг кучи беқиёс

Хатирчилик 39 ёшли Нафиса Эргашева қарийб 5 йилдан буён тўшаққа «михланган». У дастлаб даволаниш учун Навоий шаҳридаги шифохоналарга мурожаат этди. Аммо унга шифокорлар аниқ ташхис қўя олмади. Кейин эса яхшиларнинг кўмаги билан Тошкент тиббиёт академиясига борди. У бўғин хасталигига чалинган экан. Узоқ давом этган муолажалардан сўнг оёқлари бироз ишлай бошлади. Аммо шифокорлар унга ўзини асрашни, иложи бўлса, ногиронлик нафақасига чиққини тавсия этишди. Аммо бу кўрсатмага амал қилиш кишлоқ шароитида мўшкўл масала эди...

2020 йилда Нафиса Эргашева Хатирчи тумани «Тамабахрин» маҳалласида «Аёллар дафтари»га киритилди. У ердан сўраб Президентга мурожаат қилди. 2021 йилнинг март ойида Нафиса Эргашевага Навоий шаҳри «Умид» маҳалласидан Президент совғаси сифатида икки хонали шинамгина уй берилди.

Айни пайтда замондошимиз онаси ва 6 ёшли ўғли Хуршидбек билан барча қулайликларга эга уйда яшамоқда.

– Бирдан-бир мақсадим ўғлим Хуршидбекни Ватанга садоқат билан хизмат қиладиган руҳда тарбиялаш, – дейди Нафиса. – Ахир эзгуликнинг, меҳрнинг ҳам жавоби бўлиши керак. Президент-



миз ташаббуси билан менга ўхшаган қанчадан-қанча эҳтиёжманд хотин-қизларга беминнат ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ғамхўрлик бизга беқиёс куч бериб, кўнглимизни тодек кўтаради.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»



КОМИЛЛИК САБОҚЛАРИ

Устозимиз Дилфуза Султонова 30 нафар ўқувчини шахримизнинг тарихий қадимжоларига саёҳатга олиб чиқди.

Арқ кўргони, Нодир девонбеги, Исмоил Сомоний мақбараси ва бир қатор тарихий обидаларда бўлиб, маънавий мерослар ҳақида маърузаларни тинглаб, инсонни комилликка чорловчи нодир асарлар ҳақида тегишли маълумотларга эга бўлди.

Бу биз, ўқувчиларда катта таассурот қолдирди, юртимизга, буюк аجدодларимиз, шонли тарихимизга бўлган муҳаббатимизни янада зиёда қилди.

Мироншўх ШУКУРОВ,
Бухоро шаҳридаги 10-мактаб ўқувчиси

Фарғона вилояти

Саёҳат

Таассуротлар бир олам

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши 90 нафар устоз ва мураббийнинг Бухорога саёҳатини уюштирди.

Саёҳатчилар қадимий Бухоронинг диққатга сазовор масканлари билан яқиндан танишиб, биз, таълим ходимларини бир олам таассурот олишди. – Ушбу саёҳат умр-бод ёдимизда қоладиган бўлди, – дейди Фарғона политехника университетини

тети ўқитувчиси Ҳамидулла Саъдуллаев. – Аслида касаба уюшмалари биз, таълим ходимларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келади. Бу сафар ҳам ажойиб саёҳат билан сийлашди. Ҳамкасблар билан саёҳат қилишнинг

ташкilotчиларга раҳмат.

Ўз мухбиримиз



